

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ТАЪЛИМ
БОШҚАРМАСИ
ЧИРЧИҚ САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ



Для того чтобы душевное состояние ученика были в наимыгоднейших условиях, нужно:

- чтобы не было новых, непривычных предметов и лиц там, где он учится;

- чтобы ученик не стыдился учителя и товарищей;

- чтобы ученик не боялся наказания за плохое учение, то есть за непонимание; ум человека может действовать только тогда, когда он не подавляется внешними влияниями;

- чтобы мозг не утомлялся; для внимательного учителя всегда есть верные признаки утомления; как заметно что мозг утомлен, нужно заставлять делать физическое движение;

- чтобы уроки были соразмерны силам ученика, не слишком легки, и не слишком трудны.

В школьное время, когда умственная пытливость возбуждена, круг понятий и деятельности делается шире и особенно когда является сильное стремление к подражанию старшим, нравственное формирование ребенка происходит еще осязательнее. Но школьное, подчас сухое учение не в состоянии удовлетворить детскую подвижную натуру и ответить на все вопросы, которые представляются ее умственному зору. А между тем круг этих вопросов с каждым годом становится все обширнее, и решением их уже, очевидно, начинает определяться характер будущей личности человека. Если же ребенок не находит ответа у старших, не находит его прямо в учении, он решает его по-своему или применяясь к готовому решению других. Вообще трудно подметить, как совершается этот любопытный процесс; еще труднее указать законы, по которым детская натура вносит в свой мир всякое новое приобретение. Ни один сосуд не вмещает больше своего объема, кроме сосуда знаний, - он постоянно расширяется.

Если все это справедливо, то остается решить вопрос не о необходимости воспитательного элемента в преподавании, а только о том, в какой мере необходимо применить его и каким образом. Прежде не будет лишним уточнить, что подразумевается под правильным нравственным воспитанием. Конечная цель разумного воспитания должна заключаться в постепенном образовании в ребенке ясного понимания вещей окружающего мира и преимущественно общественного, т.е. того, в котором ему со временем придется действовать. Это прежде всего. Затем последовательным результатом такого понимания должно быть возведение добрых инстинктов детской природы в сознательное стремление к идеалам правды и добра. И, наконец, в задачу воспитания как результат того и другого должно входить постепенное образование нравственных современных убеждений, образование твердой и свободной воли и, следовательно, воспитание тех человеческих качеств, которые составляют лучшее украшение времени и общества.

Преподавание должно подчиняться научным требованиям предмета, и сам предмет не должен быть только орудием для посторонних целей. Основание для такого взгляда следующее: чаще всего у нас прямые цели обучения приносят в жертву развитию, т.е. заботятся не столько о том, чтобы учащийся знал дело, сколько о том, чтобы схватил его конечные результаты. Но развитие – будет ли оно следствием воспитания, или преподавания, - если оно не подкреплено положительным знанием, переходит в фразу, в мыльный пузырь, который гроша не стоит: оно образует людей поверхностных и заносчиво-самоуверенных, людей шатких, не имеющих ни одного, собственной работой добытого мнения, фразеров, мечтателей, дурных исполнителей. В этом ли должна заключаться цель разумной педагогики? У нас не мало людей, которые

всю жизнь задают себе великие задачи, говорят громкие слова и не умеют применить их в жизни к самому легкому делу.

Где задача преподавателя – распространять образованность в окружающей среде, там талант – жизненная сила общества. Поэтому, как бы обществу, - и именно нашему – ни были нужны руки, ему в сто крат нужнее головы. Всякая школа славна не числом, а славой своих учеников. Но талант не так несокрушим, как думают. Его можно погубить, и даже легко. Его не нужно представлять себе гением или демоном, одаренным страшной энергией воли. талант неокрепший гораздо легче сбить с толку, чем посредственность; его легче привести в противоречие с собой и со всем окружающим. Не давая ему развиваться на свободе, его можно довести до того, что он будет казаться ниже посредственности.

На протяжении всей преподавательской деятельности нужно обращать внимание на внимательность учеников, значить внимательность требуется не только в деятельности ученика но и в деятельности педагога тоже.

Дуйсенов Н.Э., Байдуллаев А.С., Мирзаев У.С —
ИЧШУИРКХК ўқитувчилари

ЮКСАК ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ– ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЛАБИ

Калит сўзлар ва иборалар: *ёш авлод, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакалар, таълим тизими, ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги.*

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг фаолиятига, уларнинг касбий маҳоратларини оширишига боғлиқдир. Соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Ўқитувчи жамиятнинг

ижтимоий манфаати ва талабни бажаради, шунингдек ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Ўқитувчи мустақиллик гоёсига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни ўз фанининг чуқур билимдонли, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларни эгалланган бўлиши ҳамда турли педагогик вазифаларни тезда ечишни, вазиятларни сезиши, ўрганиши ва баҳолаётгани олиши керак. Педагогик таъсир кўрсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларини танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган авлодни тарбиялаш нозик, ниҳоятда катта дикқат-эътиборни талаб қиладиган, маъсулиятли

жараёндир. Ўқитувчи таълим берувчи сифатида, таълим олувчиларнинг шаклланиш жараёнини зўр ҳавас ва синчковлик билан кузатиши лозим. У педагогик жараёни бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундангина ўқитувчи педагогик ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаб, педагогик меҳнат методи, технологиясини ва касбий педагогик маҳоратни эгаллай олади. Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган ўқитувчи аввал, педагогика фанининг услубий асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, кадрлар тайёрлаш мисли, дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши керак. Таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги таълим ва тарбия жараёнида педагогик маҳоратнинг зарурияти ва аҳамиятини чуқур англашга ҳаракат қиладилар.

Шу сабабли улар ўз маҳоратларини узлуксиз ошира боришга, ҳозирги куннинг юксак талабларига мос замонавий билим ва тажрибаларини ўзлаштиришга, ижодий меҳнат қилишга интиладилар. Аммо шунинг ҳам эътироф этишимиз керакки, ўқув юртиларида айрим ўқитувчилар ўз педагогик маҳоратларини ошира боришнинг аҳамиятини етарли даражада ҳис қилмайдилар, таълим тўғрисидаги қонуни, Кадрлар тайёрлаш мислий дастурини талабларини чуқурроқ ўрганишга кизиқмайдилар, ўқув жараёнининг илмийлигига, замон талабларига мослигига, турмуш, амалиёт билан боғланишига юзаки қарайдилар, ўқитиладиган ўқувчиларнинг илмий ва гоёвий тарбиявий бирлигини донмо эсда тутмайдилар. Бу эса улар қўлида таълим олаётган ўқувчиларнинг билим даражаси ва савиясининг етарли эмаслигига, ўқув дастурларини ўзлаштиришдан орқада қоллишига сабаб бўладилар.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу гоёят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчилар билан амалга ошириш мумкин.

Шундай экан, ўқитувчилик катта санъатдир. Бу санъатга у ёки бу ўқитувчи осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик

касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббий бўлишига ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира боровчи, мустақиллик гоёси ва мафқураси билан нухта қуролланган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат туғма талаит ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат самарасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қилинган иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топиши ва ривожланиши зарур.

Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалари билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан синф, аудитория машғулотларида яққол кўринади. Чунки ўқув машғулоти ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўқув юртидаги асосий ишидир. Шу сабабли у илмий, гоёвий ва оммабоп бўлиши, турмуш билан ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси билан боғланиши зарур. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр олишув, самимий муносабат, ҳурмат, асосий мақсадга эришишда ҳамкорлик лозимдир. Мазмун саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насихатгўйликдан иборат бўлган, расмийат учун юзаки ўтказиладиган дарс, маъруза ва бошқа ўқув машғулоти ўқувчиларни қизиқтирмайди, уларни илмий, гоёвий жиҳатдан етарли озиқлантирмайди. Ўқитувчи ўқув машғулотларини шундай ташкил қилиш керакки, унинг таъсирида ўқувчида шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши керак.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги образига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчилар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги унинг педагогик қобилияти қай даражада шаклланишига ҳам боғлиқдир. қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Жумладан, билиш қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, нутқ қобилияти, образ ортира олиш қобилияти, муомала қила билиш қобилияти қабилар.

Педагогик қобилият ва маҳорат ўқитувчида осонлик билан шаклланимайди. Бу касбни танлаган инсонлар ўз мақсадига эришиш учун узлуксиз ўқини, ўрганиши ва изланиши, ижодий меҳнат қилиши, мустақил юртимизда бўлаётган жараёнларни тез англаши ва ўз меҳнатининг мамлакат учун қанчалик зарурлигини чуқур ҳис қилиши зарур.

Ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг онглигига, миллий гоё ва мафкурага содиқлигига, билиш ва фикр доирасини кенглигига ўз вазифасига муносабатига эътибор бермоқ керак. Айниқса, педагогик маҳоратда ўқитувчининг фикр доираси кенг бўлиши зарурлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки, кишида билим, фикр мукамал бўлмаса, у камолатга эриша олмайди. Дарҳақиқат, киши у ёки бу масалани, албатта фикр орқали ҳал этади. Шунинг учун педагогик маҳорат соҳибни бўлишга интиланган ҳар бир ўқитувчи, шубҳасиз ўз билимини доимо кенгайтириши, ўқувчига маънавий-ахлоқий таъсир этувчи гоё ва фикрларини янгилаб бориши зарур. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи ҳам кўп ўқиши, ўрганиши лозим. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига баҳо беришда уни таълимни қай даражада ташкил қилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз таълимда ўқув машғулотларини мукамал ташкил қилиш ўқитувчининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Юқори савияда ўтилган мавзулар ёшлар онгида узоқ сақланади, уларнинг иймон, эътиқоди ва мафкураларининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шу сабаб, ўқитувчининг илмий савияси ўз бурчига муносабати, ёшларга мураббийлик иштиёқи, педагогик маҳорати, дастлаб дарс ва маърузаларда кўринади. Фан ўқитувчисининг фаолиятига берилган баҳо даражасини ҳам дарс ва маърузанинг сифати белгилайди.

Дарс бериш санъатини эгаллашда ўқитувчи уюштирган ўқув машғулоти, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг раънақи, эртанги кунга бўлган ишонч, ҳалқимизнинг ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фуқароси ва қурувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини кўрсатувчи кўзги бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, ҳозирги кунда биринчи навбатда ёшларимиз ўз мураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар. Уларда романтик орзулар уйғонсин, тафаккури ривожлансин, амалий фаолият, ижодий қобилият, ўқиш-ўрганиш ва меҳнатга ҳавас кучайсин. Улар ўқув машғулотида сўнг олган баҳолари билан эмас, балки билим ва малака ҳосил қилганликларини, маънавий озик олганликларини ҳис қилсинлар. Таълимнинг мазмундор, қизиқарли ва тушунарли бўлиши устоз билан шогирдлар қалбини, руҳини бир-бирига мустаҳкам боғлайди, улар ўртасидаги самимий ҳурмат ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Бунинг учун ўқитувчи аввало ўз фанини ва уни ўқитиш йўли усулларини мукамал ўзлаштириб олиши, ўқитувчи-мураббийга ҳос маданиятнинг юқорилиги, ўз шогирдларига ҳурмат ва муҳаббат, улар ҳаётига қизиқтириш ва руҳий ҳолатларни билиш ва тушуниш, босиқлик, ҳис-туйғуларини бошқара олишлари, ташқи кўриниши, кийиниши маданиятга эътибор беришлари, нутқ маданиятининг юқорилиги, жамоат ишларида фаолликлари, айниқса, омма ўртасида илмий-маърифий, маънавий-маданий ишлар тарғибчилари бўлишлари лозим.

Шундагина мамлакатимизнинг келажаги бўлган ўқувчи ёшларимиз ўз мураббийларини номини зўр эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилга оладилар. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунда кўрсатилганидек, ўз фанлари бўйича тегишли маълумот эгаси, юқсак касбий тайёргарлиги ва юқори ахлоқий фазилат эгаси бўлишлари керак.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997. - 64 б.
2. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Тошкент: Ўзбекистон фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2005. - 205б.
3. Исследовательской работы студентов», Алма - Ата, «б», 2009.

A.Abdullayev, Z. Amonova —
*Imkoniyatlari cheklangan shaxslar uchun
 ixtisoslashtirilgan RKHK o'qituvchilari*

IMKONIYATI CHEKLANGAN O'QUVCHILARNI SPORTGA JALB ETISH ORQALI MA'NAVYI TARBIVIALASH

Kalit so'zlar va iboralar: kompleks yondashuv, ruhiy tayyorgarlik, barkamollik.

Respublikamizda yoshlarning bilim olishi, salomatligini mustahkamlashi, o'z qiziqishi va intilishiga mos kasb-hunar egallashi uchun zarur shart-sharoit yaratishga doimiy e'tabor qaratilib kelinmoqda. Jismoniy imkoniyati cheklangan shaxslar uchun ixtisoslashgan Respublika kasb-hunar kollejlari o'g'il-qizlarning maxsus pedagogik usullarda ta'lim olishi, kasb-hunar egallashi, sport bilan muntazam shug'ullanishi uchun barcha imkoniyatlar yaratilgan.

Sport har bir kishidan matonat, metin iroda va albatta har qanday holatga ruhan tayyorgarlikni talab etishini inobatga olsak, nogiron sportchilardan bu borada ikki hissa ortiq harakat talab qilinishini anglash mumkin. Jismoniy imkoniyati cheklangan o'quvchilarning sport bilan mashg'ul bo'lishlari esa ulkan jasoratdir. Kollejda ta'lim olayotgan o'quvchilarning ta'lim jarayonida ularni ma'naviy yetuk, mehnatsevar, izlanuvchan va insonparvar qilib tarbiyalashimizda sportning o'rni ahamiyatlidir. Keyingi yillarda o'quvchilarni sportda, mehnatda, san'atda faol qatnashib o'z qobiliyatlarini sinab, yaxshi natijalarga erishganligining guvohimiz.

Respublikamizdagi Imkoniyatlari cheklangan shaxslar uchun ixtisoslashtirilgan kasb-hunar kollejlari ana shunday o'quvchilardan Zayniddinov Siroj 2010-yilda sahar va Respublika miqyosida o'tkazilgan shaxmat ochiq chempionatida faxrli 1-o'rinni egalladi. Kollejning 2011-2012 o'quv yili bitiruvchisi London 2012 paralimpiya o'yinlarida muvaffaqiyatli ishtirok etdi va tengdoshlari oldida ajoyib taassurotlar bilan qaytdi, qolaversa kollej o'quvchilari 2012-yilda o'tkazilgan Respublika Powerlifting ochiq